



КУН ВОҚЕАСИ:

Будапешт шаҳрида бўлиб ўтган музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Венгрия Бош вазири Виктор Орбан Кенгайтирилган стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар.

21asr.uz @XXlasr_yangiliklari asrgazetasi XXI_asr@mail.ru xxlasrgazetasi XXlasrgazetasi Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАҚДИРИНИ СОҒЛОМ ВА БИЛИМЛИ АВЛОД БЕЛГИЛАЙДИ



Давлат раҳбари нафақат таълим ёки маърифий соҳаларга бағишланган, балки бошқа масалалар муҳокама этилган анжуман ё расмий учрашув ҳамда тадбирларда, қолаверса, вилоятларга ташрифлари доирасида оддий одамлар орасида кечган мулоқотларда ҳам таълим ва тарбия масаласига қайта-қайта тўхталиши бежиз эмас. Айниқса, бир аср аввал яшаган ўзбек миллий маданиятининг забардаст вакили, маърифатпарвар зот Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир” деган ҳикматли сўзлари кўп бора эсланади. Шу маънода яқиндагина Президент Шавкат Мирзиёев раислигида мактаб таълими тизимидаги ислохотлар самарадорлигини

янада ошириш бўйича устувор вазифалар муҳокама-си юзасидан видеоселектор йиғилишида таъкидлаб ўтилган долзарб вазифалар барча қатлам вакиллари зиммасига ғоят жиддий масъулият юклайди. Умум-халқ иши ҳисобланган таълим масаласи ҳар доимгидан кўра муҳим аҳамиятга эгалигини изоҳлаш ортиқча, албатта.

Таълим соҳасига оид қабул қилинган қонунлар ва бошқа ҳужжатлар ижросини таъминлашда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси аъзолари ҳамда маҳаллий кенгашлар депутатлари, фаоллар бошқаларга намуна бўлишлари зарур.

2

Пилла ортидаги... тилла

3с



Алпомиш ҳам солиқ тўлаганми?!

5с



Замон ўзгарган, одамлар эса...

5с



Даврни эмас, давр лаббайгўйларини айблайман

6с



ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

Будапештдаги Туркий давлатлар ташкилотининг норасмий саммити доирасида “Туркий дунё бирлигига қўшган ҳиссаси учун” Алишер Навоий номидаги халқаро мукофотни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев халқаро мукофотни таниқли турк биокимёғари, Нобель мукофоти совриндори, Ўзбекистон Миллий университети фахрий доктори Азиз Санжарга тантанали равишда топширар экан, уни самимий табриклаб, мукофотнинг илм-фан арбобиغا топширилиши туркий дунё олимлари, жумладан, ёшларни янги марраларни забт этишга илҳомлантиришини алоҳида таъкидлади.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАҚДИРИНИ СОҒЛОМ ВА БИЛИМЛИ АВЛОД БЕЛГИЛАЙДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган мактаб таълими юзасидан видеоселектор йиғилишида таъкидланганидек, “Дунёда исбот талаб қилмайдиган бир ҳақиқат бор: ҳар қандай мамлакат тараққиёти соғлом ва билимли авлодга боғлиқ. Шу боис Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида соғлом, билимли, теран фикрли, ватанпарвар ёшларни тарбиялаш учун барча шароитларни яратишимиз шарт ва зарур”.

Рақамларга мурожаат қилсак, охириги етти йилда мактабгача ва мактаб таълими учун маблағ етти карра оширилди, жорий йил бунга 60 триллион сўм йўналтирилаётди. Мактабларда 1 миллионга яқин, боғчаларда 1,5 миллион янги ўринлар яратилди. Боғча билан қамров 3 карра ошиб, 78 фоизга етди.

Малака, тил билиш, янги баҳолаш тизими, фан олимпиадалари каби мезонлар асосида ўқитувчиларга 10 дан ортиқ устама жорий қилинди. Бундан самарали фойдаланган 60 минг ўқитувчи ҳозирда 8-12 миллион сўм маош олаяпти. Боғча тарбиячилари ойлиги 65 фоизга ошиб, мактаб ўқитувчилари маошига тенглашди. Янги ўқув йилидан мактаб директорлари, ўринбосарлари ва боғча мудираларининг иш ҳақи 7-10 миллион сўмдан ошади.

“Таълимда сифат бўлиши учун энг аввало педагогларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими бунга тайёр бўлиши керак”, деди Президентимиз йиғилишда. Айни шу мақсадда Авлоний малака ошириш институти трансформация қилиниб, 13 та ҳудудий маркази қайта ташкил этилмоқда. Барча вилоят ҳокимлари Авлоний номидаги малака ошириш институти андозаси асосида ҳудудлардаги малака ошириш марказларини таъмирлаш ишларини йил охиригача якунлаши шартлиги ҳақида огоҳлантирилди.

Низомий номидаги университет негизига Миллий педагогика университети ташкил этилиб, унинг ректори бир вақтнинг ўзида кадрлар тайёрлаш бўйича вазир ўринбосари ҳисобланиши белгиланди. Ҳудудлардаги 12 та педагогика олий ўқув юрти ҳам ММТВ тизимига ўтказилди.

Хорижда ўқиётган ёшларимизнинг атиги 1 фоизи “Топ-100”даги университетларга киргани бизни қониқтирмайди, албатта. “Ёшларимиз жуда иқтидорли. Уларни тизимли йўналтириб, олийгоҳ танлашга кўмаклашиб, мақсадли тайёрлашни йўлга қўйсак бўлди, кўрсаткичларимиз каррасига ошади”, деди давлатимиз раҳбари. Шу мақсадда “Президент иқтидорли фарзандлари” миллий дастурини бошлаш ва “Гарвардчилар мактаби”ни очиш бўйича фармон имзолагани қувонарли. Бу муассаса Ал-Беруний номидаги халқаро мак-

таб сифатида ташкил этилади. Шу йил 8-синф битирувчиларидан 60 нафари саралаб олиниб, халқаро мактабда “Топ-10” университетларига мақсадли тайёрланади.

Жорий йил янги мактаблар қуриш учун Исломот тараққиёт банкидан 200 миллион доллар жалб қилинди. Бунинг эвазига 58 та мактаб қурилиб, 72 мингта ўқувчи ўрни яратилади. Бунга қўшимча равишда вилоятлар ҳокимларига ушбу йил халқаро молия ташкилотлари билан ишлаб, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Қатар, Жанубий Корея каби давлатлардан инвесторлар олиб келиб, маҳаллий тадбиркорларга шароит яратиш, мактаб қурилишига 10 миллион доллардан маблағни жалб қилиш бўйича топшириқ берилди. Мактаблар қувватини оширишнинг мақбул йўлларида бири хусусий шериклик экани таъкидланди. Мутасаддиларга жорий йилда мактаб таълимида камида 100 та шундай лойиҳани бошлаш топширилди.

Фурсати келганда таъкидлаб ўтиш лозимки, таълим тизимини ривожлантиришга мамлакатимиздаги етакчи сиёсий куч – O‘zLiDeP-нинг сайловолди дастурида ҳам устуворлик берилган.

Бугунги кунда туманларда “Баркамол авлод” мактаблари, 14 та ҳудудда “Ёшлик” спорт жамияти ва Республика ўқувчи ёшлар маркази бор. Лекин 219 та “Баркамол авлод” мактаби 350 минг болани қамраб олган, холос. Эндиликда “Баркамол авлод” мактаблари, “Ёшлик” спорт жамияти ва Ўқувчи ёшлар маркази ягона тизимга бирлашиши белгиланди. Бу марказлар тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, замонавий, креатив йўналишлар асосида жиҳозланади. Уларда хорижий тилларни ўқитиш, сунъий интеллект, дастурлаш ва анимация каби янги тўғарақлар очилади.

Болаларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича кўп ишлар амалга оширилмоқда, бу борада алоҳида қонун ҳам қабул қилинган. Хусусан, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги қошида Болалар контентини ривожлантириш маркази ташкил қилинди. Марказ болалар тарбияси ва соғлиғига салбий таъсир этадиган ахборот маконидаги контентни таҳлил қилади. Маҳаллий ижодкорларга мил-



Хилола УМАРОВА,
Мактабгача ва мактаб
таълими вазир,
O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси

лий контент яратиш бўйича буюртма беради, шу аснода соҳада кадр тайёрлашга ҳам кўмаклашилади.

Йиғилишда айтилган топшириқ ва тадбирлар ижросини назорат қилиш учун штаб тузилиши, бу масала шахсан Президент назоратида бўлиши таъкидланди. Туман ҳокимларига ҳар ойда туман мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари раҳбарлари, мактаб директорлари ва боғча мудиралари билан учрашиб, муаммоларни жойида ҳал қилиш вазифаси юкланди. Мутасаддилар бундан буён туман бўлими раҳбарларини таълим билан боғлиқ бўлмаган бирорта йиғилишга жалб қилиб бўлмаслиги ҳақида қатъий огоҳлантирилди. Шунингдек, “Долзарб 90 кунлик” доирасида амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар ҳам қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш таълим сифати ошишида, мактаб ва боғчаларимизда шароитлар яхшиланишида, педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишда, ўқувчиларимизнинг иқтидорини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу вазифаларни барча масъуллар билан биргаликда ўз вақтида бажариш йўлида сидқидилдан хизмат қиламиз.


Мамлакатимиз таълим тизими замонавий дунё талабларига мослашиш йўлида такомиллашиб бормоқда. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари томонидан соҳага онд долзарб муаммоларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Жумладан, икки йил олдин тоифа бериш тизими рақамлаштирилган очик платформага ўтказилгани тизимдаги реал ҳолатни очиб берди. Яъни 341 минг ўқитувчидан 102 мингтаси тестдан ўта олмаган.

Таълим тизимидаги ўзгаришлар, хусусан, илғор мамлакатлар тажрибасига мослаштирилган янги дастурлар, замонавий дарсликлар ва жиҳозлар билан бирга, муаллимларнинг малакаси ва янги методикаларни ўзлаштириш даражаси юзасидан саволларни ҳам ўртага қўйяпти. Яъни, таълим тизимидаги модернизация фақат моддий жиҳатдан эмас, балки педагогларнинг касбий ривожланиши, янги таълим технологияларини ўзлаштиришига ҳам боғлиқ.

Бу йил педагогика университетлари ва малака ошириш марказларидан

камида 5 нафардан, ҳар бир тумандан шунчадан муаллим хорижга юборилиши уларнинг жаҳон таълим тизимидаги энг яхши амалиётлар билан танишишига, янги педагогик ёндашувлар, методикалар ва технологияларни ўрганишига имкон беради.

Биз депутатлар йиғилишда белгиланган мақсад ва вазифаларнинг самарали амалга оширилишини назорат қилишга, таълим тизимидаги ислохотларнинг натижадорлигини таъминлашда янада фаол ва ташаббускор бўлишимиз зарур. Зотан, сифатли таълим – келажак пойдеворидир.



Шаҳноза ХОЛМАҲАМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

Эътибор берайлик, давлатимиз раҳбари ёшларни нуфузли хорижий университетларда ўқитиш масаласига бежиз алоҳида тўхталмади. Педагогларимизнинг малакасини ривожланган мамлакатларда ошириш тизимини йўлга қўйиш мақсади қўйилди. Ушбу йил 215 нафар ўқитувчи Англия, Франция, Сингапур, Япония, Жанубий Кореядаги нуфузли университетларда малака ошириб келди ҳам. Бу тизим муаллимларга юқори сифатли таълим стандартлари, инновацион методларни ўрганиш ва тажриба алмашиш имкониятини яратади.

Мамлакатимизда 61 та хусусий университетда педагоглар тайёрланмоқда, бироқ улардан бирортаси кимё, биология ёки физика фанлари бўйича ўқитувчи этиштирмаётгани афсусланарли. Бундан буён хусусий университетлардаги педагогик йўналишлар давлат ОТМлари билан бир хил бўлади. Педагоглар ва талабалар билими ташқи диагностикадан ўтказилади. Бу билан нодавлат таълимда педагог тайёрлаш сифати назоратга олинади.

Президентимиз раислигида мактаб таълими тизимидаги ислохотлар самарадорлигини янада ошириш ҳамда келгусидаги устувор вазифалар муҳофазаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида айтиб ўтилган фикрлар, белгилаб берилган вазифалар М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали педагогик жамоаси учун ҳам дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети 1-босқич талабаси Нигина ИСКАНДАРОВА тайёрлади.



Одилжон МАМАДАЛИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим соҳасида ягона давлат сиёсати ишлаб чиқилиб, тизимли равишда амалга ошириб келинмоқда. Болани боғчадан мактабни битиришига қадар бўлган жараёнда миллий қадриятларимизга таянган тарбия, замонавий билим ва кўникмаларга асосланган таълим, ёшларнинг қизиқишлари ва иқтидорига қараб селекция қилиш бўйича самарали тизим яратилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан айрим маҳаллий ҳокимлар қаттиқ танқид остига олинди. Жумладан, маҳаллий ҳокимларга умумтаълим мактабларини касбга йўналтириш тизимига мослаштириш бўйича топшириқлар берилган эди. Бироқ маҳаллий ҳокимликлар томонидан мактабларга на керакли жиҳоз, на хомашё билан таъминлаш чоралари кўрилган. Зеро, ёшларни касб-хунарга ўргатиш, тўғри тарбиялаш, зарарли таъсирлардан асраш бугунги кунда энг долзарб масалалардан бўлиб келмоқда.

Халқимиз томонидан ишонч билдирилиб, янги сайланган парламент аъзолари таълим тизимидаги ислохотлар юзасидан қонунчиликни такомиллаштириш, халқаро стандартларни миллий қонунчиликка уйғунлаштириш борасидаги ишларни изчил давом эттиради.



Абдуҳаким МАМАНАЗАРОВ,
М.В.Ломоносов номидаги
Москва давлат университетининг
Тошкент шаҳридаги филиали
раҳбари ўринбосари,
педагогика фанлари доктори,
иктисодиёт фанлари
номзоди, доцент,
O‘zLiDeP туман кенгаши депутати



ТАДБИРКОРЛИК ҚўЛЛАБ-қУВВАТЛАНСА, РАғБАТЛАНТИРИЛСА...

Президентимиз раислигида ишлаб чиқариш, экспорт, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, савдо ва саноат сиёсати самарадорлигини оширишга бағишлаб ўтказилган йиғилишда белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини тарғиб этиш бўйича ҳудудларда мунтазам равишда семинарлар ташкил этилмоқда.



3,5 миллиард АҚШ доллариға етказиш, 8 та давлатга янги 30 турдаги маҳсулотлар экспорти учун фитосанитария рухсатномаларини олиш, истиқболли бозорларга 442 миллион АҚШ доллари миқдоридagi мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини таъминлаш кўзда тутилган эди.

Жарқўргонлик фермерлар умумий ер майдони 5 гектардан кам бўлмаган қишлоқ хўжалиги корхоналарига дала четида музлаткичли омборхоналар, саралаш, қуритиш, қайта ишлаш, қадоқлаш, сув тежовчи технологиялар ва сув сақлаш объектларини қуришга рухсат берилганидан мамнунигини билдиришди.

Мулоқотда, шунингдек, фермерлар фаолиятига тўсиқ бўлаётган айрим муаммолар юзасидан таклифлар ҳам ўрганилди, айримларининг ечими бўйича депутатлик сўровлари берилиши айтилди.

Худди шундай семинар **Қашқадарё вилояти**да ҳам ташкил этилди. **О'zLiDeP** раиси **Ақтам Хайтов** қатнашган тадбирда халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларининг маҳаллий бюджет, тадбиркорлиқни ривожлантириш ва иқтисодий ислохотлар масалалари бўйича доимий комиссияси раисларига ер солиғи ва ижара тўловлари учун белгиланган ми-

нимал қийматларга оширувчи коэффициентларни белгилашда ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқланишларни эътиборга олиш мақсадида ҳудудларда қайта хатлов ўтказиш юзасидан топшириқлар берилди.

Шунингдек, ғалла ўрими йиғими тарадудди, ғўза ниҳоллари парваришини юксак агротехнологиялар асосида ташкил этиш, сувни тежаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш юзасидан тегишли вазифалар белгилаб берилди.

Жарқўргон туманида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларидан иборат ишчи гуруҳ иштирокида пиллачилик соҳасида фаолият юритаётган хотин-қизлар билан очиқ мулоқот ўтказилди. Учрашув доирасида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш, хусусан, аёлларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнат фаолияти учун яратилаётган шароитлар ҳақида сўз юритилди. Пиллачилик нафақат иқтисодий аҳамиятга эга соҳалардан бири, балки қишлоқ аёлларини иш билан таъминлаш ва уларни ижтимоий фаол ҳаётга жалб этишда муҳим омил ҳисобланади.

Мулоқот давомида пилла етиштиришда зарур моддий-техника ресурслари, сотув масалалари, кредит олиш имкониятлари ҳақида таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, келгусида пиллачилик кластерларини кенгайтириш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларни бошқа соҳаларда ҳам иш билан таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатлар олиб борилаётгани таъкидланди. Партиямиз сайловолди дастурида хотин-қизларни касб-ҳунарга ўргатиш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш ва бу орқали бандлигини таъминлаш борасидаги вазифалар хусусида тўхталиб ўтилди.

О'zLiDeP матбуот хизмати



ТАЛАБ БИТТА: ДЕПУТАТЛАР ФАОЛ БЎЛМОҒИ ШАРТ!

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси О'zLiDeP фракцияси раҳбари **Ақтам Хайтов** бошчилигидаги ишчи гуруҳ Қашқадарё вилоятида бўлиб, маҳаллий кенгашлар фаолияти билан яқиндан танишди.

Халқ депутатлари Чироқчи туман кенгашининг VII чақирғиқ 9-сессиясида Президентнинг 2025 йил 3 январдаги "2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан ҳудудда амалга оширилаётган ишлар хусусида туман прокурори Жасур Турсунов, туман ИИБ бошлиғи Шуҳрат Искандаровнинг ҳисоботлари тингланди. Шунингдек, туманда электр таъминотини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан туман электр тармоқлари корхонаси раҳбари Шерзод Самадов ҳамда қишлоқ ва томорқа хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Бахтиёр Мирзаев ҳам ҳисоб берди.

О'zLiDeP раҳбари Ақтам Хайтов сўзга чиқиб, парламент

қуий палатаси ва маҳаллий вакиллик органлари ўртасидаги ҳамкорлиқни ривожлантириш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига оид долзарб масалаларни ҳал қилишда кенгашларнинг иштирокини таъминлаш, маҳаллий кенгаш депутатларини қонун ижодкорлигига кенг жалб этиш, уларнинг таклифларини янги қабул қилинаётган қонунларда акс эттиришга эришиш, қонунчиликда ҳудудлар хусусиятларини эътиборга олиш юзасидан долзарб вазифалар ҳақида гапирди.

Сессияда **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Жаҳонгир Широнов** ҳам сўзга чиқиб, Президент қарори ижроси юзасидан туманда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳамда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари хусусида тўхталди.

Сайфулла ИКРОМОВ, "XXI asr" мухбири

МАВСУМ

Кеча томорқамизга ёндош тутзорда барг кесиб юрган йиғитларга кўзим тушиб, беихтиёр "Ипак курти мавсуми бошланибди-да" деган фикр келди ҳаёлимга. Тўғриси, кейинги йилларда пиллакорларни унутиб қўйганимиз рост, ушбу заҳматли меҳнат соҳиблари ҳақида деярли ёзмай қўйдик. Маҳаллий нашрлар бўлса "Ипак курти уруғлари тарқатилди" деган мазмундаги хабарларни ё беради, ё йўқ. Нар и борса мавсум ниҳоясида "Фалон тонна пилла ҳосили етиштирилди" деган ахборот билан чекланилади, холос. Бир пайтлар ҳаяжон билан айтиладиган "қумуш тола" деган баландпарвоз атамани ҳам деярли унутиб юбордик...

Пиллакорларнинг кўпи билан бир ой давом этадиган сермашаққат ташвишлари ўзларига аён. Ва шундан қанча даромад олаётганликлари ҳам.

Биламиз, шўролар замонида пиллачилик аграр тармоқда чорвачиликдан кейин турадиган соҳа ҳисобланиб, жамоа хўжалигида яшовчи ҳар бир хонадонга ипак куртини мажбурий-ихтиёрий тарқатиш тартиби мавжуд бўлиб, хўжаликда ишловчилар ўзлари ашайдиган уйларда ҳам ипак курти боқишарди. Кейин ипак курти боқилган уйларга ёқимсизроқ хид ўрнашиб қолгани учун кузнинг салқин кунларигача бош сукчи бўлмасди.

Мустақиллик йилларида эскича ишлаш тартиби бекор қилинди ва пиллачилик билан фермер хўжаликлари шуғуллана бошлади. Қишлоқлардаги мавжуд тутзорлар пиллачилик билан машғул бўлган фермерларга бўлиб берилди ва энди шу соҳада иш бошлаганлар ипак курти боқиш учун алоҳида бинолар қуришди. Тизимда асрлар давомида ҳукм сурган "мажбурий-ихтиёрийлик" шу зайл барҳам топди.

Лекин, афсуски, ҳали ҳамон пиллачиликни "кичик соҳа" деб ўйлаш анъанаси сақланиб қолаётгани кузатилмоқда. Бугунги пиллакорларнинг фаолияти қандай, даромадлари қанча, рағбатлантириш қай аҳволда, деган жумбоқли саволларга жавоб топиш осон эмас.

Худуди бўйича республикаимизда энг кичик вилоятлардан бири ҳисобланган Хоразмда ҳар йили ўртача 2500 тоннадан кўпроқ пилла етиштирилади. Урганч шаҳрида пиллани қайта ишлайдиган йирик корхона фаолият юритмоқда. Етиштирилган ҳосилнинг деярли юз фоизи экспортга жўнатилаётган экан. Ўтган мавсумда пиллани экспорт қилиш 6,5 миллион АҚШ доллари ҳажмини ташкил қилган бўлса, бу йил ушбу рақамни 6,8 миллион долларга етказиш режалаштирилган.

Жорий йил мавсумида 1502 та фермер хўжалиги билан кластерлар ўртасида 24 912 қути ипак курти парваришлаш бўйича шартномалар имзоланган. Бундан ташқари, тутзорларга бириктирилган қасаначилар томонидан 16 996 қути ипак курти парваришланиб, 1020 тонна пилла хомашёси етиштириш режалаштирилган. Эътиборлиси, мавсумий ишларга 25 минг ишчи аёллар жалб этилган. Ўтган йили пиллачилик ишлари билан машғул бўлган 41 мингдан зиёд хотин-қизларга қўшимча даромад топиш учун имконият яратилган. Айрим манбалардан маълум бўлишича, асли бир мавсумда камда 100 мингдан ортиқ хо-



тин-қизлар ишлар экан.

Яна бир эътиборли томони, мутахассислар сўнгги йилларда бу соҳага Хитой ва Вьетнам тажрибаси қўлланилаётгани анча самара бераётганини айтишмоқда.

Шунингдек, янги тутзорлар ташкил қилиш учун ҳатто хоризм давлатларидан янги тут қўчатлари келтирилди. Фақатгина шу йилнинг баҳори бошларида салкам ўн беш минг донна тут қўчатлари экилдди.

Муқаддам ипак курти фақат баҳор ойларида боқилган бўлса, эндиликда кузда ҳам боқилиб, "пилладан икки марта ҳосил кўтариш" тажрибаси қўллана бошлади.

Белгиланган меъёрларга кўра, фермерлар ҳар гектар тутзор ҳисобидан уч қути ипак курти боқишлари керак. Бир қути ипак куртидан ўртача 50-60 килограмм пилла олинади. Ҳар бир килограмм пилла учун давлат томонидан 50 минг сўм берилади (ипак курти тарқатилган вақтда ҳар бир ипак куртиси учун бир қоп ун ва 4 литр ўсимлик ёғи тарқатилган).

Агарда ушбу рақамларни умумлаштирсак, ҳисобида 3 гектар тутзор бўлган фермер хўжалиғи бир мавсумда ўртача 22 миллион сўм атрофида даромад топиши маълум бўлади. Даромаднинг бир қисми мавсумий ишчиларга иш ҳақи сифатида тўланади, солиқлар, тутзорларни суғориш учун кетадиган харажатлар...

Қувонарли жиҳати, воҳадаги пиллачилик фермерлари

фақат етиштирилаётган ҳосилга қараб ўтиргани йўқ, балки тутзорлардан ҳам унумли фойдаланишмоқда.

Энди навбат бир мавсумда тўрт-беш марта ҳосил кўтараётганларга!

Тўғри, воҳада сўнгги йилларда бир гектар майдондан мавсумда уч марта ҳосил кўтариш тажрибаси янгилик бўлмаётган. Яхшиси, қуйидаги ҳаётий мисолларга эътибор беринг!

Тутчиликка ихтисослашган фермерлар ўзларига қарашли тутзорлар орасига кузги бугдой экади. Бугдой суғорилиб, озиклантирилиши қорбарида тут дарахтлари ривож ҳам анча тезлашади. Май ойида тут шохлари ипак курти учун кесиб олинади ва бу орада бугдой ҳам пишиб етилади. Тутзорлардан ўртача қирқ центнердан бугдой ҳосили кўтариш мумкин. Бўшаган ерга иккинчи экин сифатида чорва озукаси экилади ва кузда йиғиштириб олинади. Айримлар бугдой ўрнига шולי қўчати ўтказиш тажрибасини бундан чорак аср илгари синовдан ўтказишганига гувоҳини. Уша вақтда бу янгиликка қарши чиққанлар ҳам бўлган. Улар шозилорда юз кундан ортиқ сув сақланиб туриши тутларга ёмон таъсир кўрсатади ва ҳатто қуриб қолади, деган иддаони илгари суришди. Билишмадики, воҳада ички сув йўллари – солмаларнинг икки қирғоғига тут дарахтлари экилган, улاردан йилнинг етти-саккиз ойи давомида тинимсиз сув оқиб туради. Асосийси, шу вақтгача бирор тут дарахти

қуриб қолмаган, аксинча, яшнаб ўсмоқда.

Пиллакор тутзорга шולי қўчатлаб, яқунда ўртача 50 центнерлик хирмон кўтаради.

Келинг, энди ҳисоблаб кўрайлик: **биринчи ҳосил** – пилла етиштирилди. **Иккинчи ҳосил** пилла билан бир вақтда кўтарилди, яъни бугдой хирмони уйилди. **Учинчи ҳосил** – шולי ҳам яхшигина даромад келтирди. Қойил-мисиз?

Хўш, **тўртинчи ҳосил** нима дерсиз? Ипак курти тут баргини истемол қилгач, новдалари йиғиштирилиб, тўптўп боғлаб, қурииб қўйилади. Тут дарахти танаси зичлиги боис унинг новдаси аҳолига ўтин вазифасини бажаради. Табиий газдан узилган қишлоқларда одамлар ўтин сифатида кўпинча айнан тут новдаларидан фойдаланади. Тутчилик фермер хўжаликлари ўзларига тегишли тутзордан чиққан минглаб боғлам тут новдаларини қиш мавсуми арафасида аҳолига арзон нархларда сотади.

Беш йилдан бери айрим фермерлар кузда ҳам ипак курти боқмоқда. Албатта, кузгисининг ҳосили баҳордагидек бўлмайди, аммо ҳарна даромад келтиради-да.

Бу эса **бешинчи ҳосил** деганидир!

Тутзорлари мавжуд фермерларнинг аксарияти қатор ораларидаги майдонларга беда экишган. Бедани, биласиз, бир мавсумда тўрт-беш марта ўриб олиш мумкин. Қолаверса, чорва учун энг тўйимли озуқа ҳам йўнғичқа ҳисобланади. Бедапоёси бор фермер даласининг бир чеккасида сўкимга деб ҳўкис, қўнкор боқади, ортиқча бедани чорва фермерлари ва аҳолига сотади. Буни ҳам ўзига хос тадбиркорлик, яъни ихтиёрига берилган ер майдони (тутзорлардан оқилона фойдаланиш дейиш мумкин. Бу эса биз санаётган бешинчи ҳосил эмасми?)

Қишлоғимизда ипакчилик билан шуғулланувчи фермернинг уч гектарлик тутзор бор. Ўн йилдан бўён уч бугдойдан бўшаган майдонга шולי қўчатлаш тажрибасини қўллаб келяпти. Ва яна кузда ҳам ипак курти боқаяпти.

Айримлар учун арзимас бўлиб туюладиган уч гектар тутзордан бир йилда олаётган даромади, кам эмас, кўп эмас – 200-250 миллион сўм атропоида бўлмоқда. Мана сизга, баъзилар "бир йилда атиги бир ой ишлайди" деб маломат қиладиган пиллакор-деҳқоннинг заҳматлари мева-си!

Қўшнимиз, раҳматли Ўғилжон опа бир умр пиллачилик этагидан тутиб яшади. Ўзаро гурунларда "Етти ўғлимнинг бешовини пиллани орқасидан уйлантирдим, уйли-жойли қилдим", дер эди. Фарзандлари ҳам болалигиданоқ она-сига кўмакчи бўлишди, пилла куртининг қанчалик сердаромад, яъни ўзига қофиядош – "тилла" эканини англашди. Улар хорижий элларга иш излаб кетишмади...

Ўтаётган ҳафтада биз тарафларда пилла териш ва топшириш бошланди. Демак, пилла тиллага айланмоқда. Хирмонингизга барака, азизлар!

Рўзимбой ҲАСАН, "XXI asr" мухбири

“ИШБИЛАРМОН АЁЛ – 2025”

УЛАР БИЛАН ҲАМИША ФАҲРЛАНАМИЗ

ҚАШҚАДАРЁ



Сайёра Жўраева
Даштобод қишлоғида
яшайди. Бундан тўрт йилча
муқаддам тадбиркорликка
кўл уриб, ўн сотих майдонда
помидор экиб, яхшигина
даромад топа бошлади.
Кейинчалик фермер
хўжалиги ташкил этиб,
пахтачилик ва ғаллачилик
билан ҳам шуғулланди.

Саккиз сотих майдонда помидор кўчати етиштиришни йўлга қўйиб, “Аёллар дафтари”га киритилган 5 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлади. Айни пайтда жонкуяр аёлнинг ташаббуси билан маҳалладаги деярли ҳар бир хонадонда эртаци помидор экилиб, даштободликларнинг рўзгорига барака кирмоқда. Бундан ташқари, қишлоқда тикувчилик цехи, плёнка тайёрлайдиган кичик корхона, чорва моллари учун ветеринария дорихонаси, кўчатчилик мактаби ҳам фаолиятини бошлади.

O'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши аёллар муаммоларини ўрганиш ва ишбилармонлигини қўллаб-қувватлаш бўлими ҳамда партия Ўзур туман кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган “Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг маҳаллалардаги саралаш босқичида Сайёра Жўраеванинг деҳқончилик борасидаги тажрибаси алоҳида эътироф этилиб, тумандаги хотин-қизлар ўртасида оммалаштириш бўйича амалий

таклифлар билдирилди. Тадбирда 18 та маҳалладан келган 30 дан ортиқ тадбиркор ва ишбилармон аёллар иштирок этди.

Ўнгикиентлик Ҳабиба Холиёрова раҳбарлик қилаётган “Моҳиғул Моҳларойим жилоси” МЧЖда “Аёллар дафтари”га киритилган 50 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Жамият кўп тармоқли бўлиб, блок ёшт ишлаб чиқариш, турли хил пишириқлар тайёрлаш, кийим-кечак савдоси ва замонавий либослар тикиш билан шуғулланади. Шакарбулоқлик Санобар Абдурасулова тайёрлаётган ширинликлар эса маҳалладошлари томонидан ўтказилаётган тўй ва базмлар дастурхонини безамоқда.

Зувайда Пармонова туманда биринчилардан бўлиб совун ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Айни пайтда Ёнқишлоқда фаолият олиб бораётган цехда тайёрланаётган совун маҳсулотлари бутун воҳадаги савдо дўконларига чиқариляпти. Умида Худойкулованинг “Дўлтали” МФЙда ташкил этилган ғиламчилик цехида хунар ўрганган қизлар сони 200 нафардан ошиб кетди. Улар ўзлари яшаётган қишлоқларда ғиламчилик билан шуғулланади.

– Кейинги ўйилликда туманимизда ишбилармон аёллар сони кескин ортиб кетди, – дейди O'zLiDeP Ўзур туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Юсуф Турдиев. – Уларнинг аксарияти партиянинг лойиҳаларида иштирок



этиб, билим ва тажрибасини оширган. Миллий хунармандчилик, иссиқхона хўжалиги, ғиламчилик, чопон ва дўппи, жалюзи ва замонавий пардалар тикиш, чорвачилик, кўчатчилик билан шуғулланаётган хотин-қизлар юзлаб аёлларни иш билан таъминлаб қелишляпти. Бугунги саралаш босқичи кўпчилик хотин-қизларни тадбиркорликка йўналтиришга яқиндан ёрдам беради.

Ҳакамлар ҳайъати барча иштирокчиларнинг маҳсулотлари кўргазмаси билан танишиб, ишбилармонлик борасидаги билим ва тажрибаларини савол-жавоб асосида аниқладилар.

Уларни қийнаб келаётган муаммолар ҳам ўрганилиб, мақбул ечимлар топиш юзасидан мутасаддиларга партия депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан сўровномалар чиқариладиган бўлди. Яқунда 10 нафар хотин-қиз мазкур кўрик-танловнинг туман босқичига йўланмани қўлга киритди. Барча танлов қатнашчилари партиянинг ташаккурнома ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири

БУХОРО



Мазкур танловнинг
Когон шаҳрида ўтказилган
маҳаллалар саралаш
босқичида иштирокчилар
дастлаб Амина Рамазонава
раҳбарлик қилаётган “Mr
New Star 2020” масъулияти
чекланган жамияти
фаолияти билан танишишди.

Аёллар пойабзалини ишлаб чиқарувчи кичик корхонада 20 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланган бўлса, яна 15 нафари шартнома асосида уйларида касаначилик билан машғул. Эронда ишлаб чиқарилган замонавий асбоб-ускуналар билан “New Star” бренди остида тайёрланаётган маҳсулотлар Дубай шаҳрига экспорт қилиняпти. Шунингдек, “Нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш” лойиҳаси асосида 7 хил турдаги тайёр маҳсулотлар шаҳардаги савдо дўконларига пешма-пеш етказиб берилмоқда.

“Бунёдкор” МФЙда оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиб келаётган Мунира Шамсиддинова бўш бинолардан бирини ижарага олиб, тикув цехи фаолиятини йўлга қўйди ва ўнга яқин аёлларни иш билан таъминлади.



Бухоро шаҳридаги “Ситораи Моҳи Хосса” МФЙда фаолият юритиб келаётган “Marjon Sweets” бренди эгаси “Улугбек Имрон” оилавий корхонаси ҳисобланади. Турли хил пишириқ ва ширинликлар тайёрланаётган корхонага ишбилармон аёл Матлуба Жумаева раҳбарлик қилмоқда. Бу ерда ҳам 15 нафар аёлнинг бандлиги таъминланган, талаба-қизлар эса касаначи сифатида иш юритишмоқда.

Шу маҳаллада яшовчи тадбиркор Мунира Амонованинг амалга ошира-

ётган ишлари ҳам алоҳида эътирофга лойиқ. Айни пайтда у бошчилик қилаётган корхонада 50 дан ортиқ тикувчи-бичувчилар ишлашляпти, ногиронлиги бор аёлларнинг ҳам бандлиги таъминланган.

Ишчи гуруҳ аъзолари Шофиркон туманидаги табаррук қадамжолардан бири Хўжа Ориф ар-Ревгарий Моҳи-тобон зиёратгоҳи ёнида ташкил этилган маҳсулотлар кўргазмасини кўздан кечиришди. “Хўжа Ориф” МФЙ худудида моҳир тадбиркор Феруза

Остонава бошчилик қилиб келаётган “Мадина-Раъно” тикувчилик цехи маҳсулотлари кўпчиликнинг эътиборини тортди. 70 дан ортиқ аёллар бандлиги таъминланган мазкур корхонада турли хилдаги қўйлақлар билан бирга келинлик либослари ҳам сифатли қилиб тайёрланыпти. Тумандаги “Қайрағоч” МФЙда яшовчи Гулсара Неъматова ва “Мазлихон Чандир” МФЙда яшовчи Диловар Амонованинг миллий хунармандчилик борасидаги хайрли ишлари ҳамда Хўжа Ориф маҳалласилик Шоира Шарипованинг “Айиша” гўзаллик салони фаолияти алоҳида таҳсинга сазовор бўлди.

Қоракўллик тикувчи Дилнавоз Сафарова, томорқа хўжалиги фаолиятини давр талаблари даражасида йўлга қўйган Мастура Қадамова, ғиждувонлик Ҳабиба Раҳматова, Умида Муҳаммадиева, Дилноза Норова, вобкентлик Фаридаслонова, олотлик Гўзал Қиличева ва бошқаларнинг ҳам хайрли ишлари алоҳида эътироф этилди. Барча туманлардаги маҳаллаларда ғолиб деб топилганлар энди навбатдаги босқичда қатнашади.

Асхор ИСТАМОВ,
“XXI asr” мухбири

МУЛОҚОТ

Ёшларни эшитиш ва англаш керак

O'zLiDePнинг сайловолди дастурида ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг бандлиги ва ишбилармонлигини фаол қўллаб-қувватлаш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Ана шу эзгу мақсаддан келиб чиққан ҳолда партиянинг Тошкент вилоят кенгаши ҳамда Ангрен шаҳар кенгаши ташаббуси билан Ангрен хусусий университетда “Тадбиркорлар ва ёшлар” учрашуви ташкил этилди.

Очиқ мулоқотда Халқ депутатлари Тошкент вилояти ҳамда Ангрен шаҳар кенгашларидаги партия депутатлари Вадим Ли, Абдуқодир Бегматов, Лазиз Хошимов, Абдор Назиров, Ангрен иссиқлик электростанцияси акциядорлик жамияти бош директори Мирзоферуз Нигматов, Тошкент вилояти хотин-қиз-



лар тадбиркорлик маркази раҳбари Шоҳиста Мадиярова, вилоятнинг етакчи тадбиркорлари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Ойша Уралова, шунингдек, университетнинг профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок этди.

Тадбир давомида ёшларнинг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлашда уларнинг молиявий, иқтисодий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, электрон тижорат бўйича билим ва кўникмаларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Шунингдек, партия томонидан ёшларни тадбиркорликка жалб этиш мақсадида микромолиялаш хизматларини кенгайтириш, замонавий молиявий инструментлардан фойдаланиш имкониятларини яратиш юзасидан амалий ишлар олиб борилаётгани қайд этилди. Хусусан, ўз бизнесини ижарага олинган



бинода бошлаётган ёшларга бир йиллик ижара харажатларининг 50 фоизини қўллаб бериш тизимини жорий этиш бўйича ишлар изчиллик билан йўлга қўйилмоқда.

Ёшлар томонидан билдирилган муаммолар, таклиф ва ташаббуслар партия вакиллари томонидан атрофлича ўрганилиб, уларни ҳал этиш бўйича

аниқ чоралар белгиланди. Шу билан бирга, ёшлар бандлигини таъминлаш, кредит ажратиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш каби масалалар юзасидан тегишли тавсиялар бериб ўтилди.

Зухро МИРЗОҲАМДАМОВА,
O'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши бўлим мудири

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА



НАВБАТ СОЛИҚЧИЛАР РАҲБАРИГА!

Турли хил баҳоналар билан хаспўшланадиган бепарволик, мурасасозлик ҳаётимиздаги кўпгина муаммоларнинг асл сабабларидан бири, аслида. Ислохотлар жараёнида жамоатчилик ва депутатлик назоратини кучайтириш боқибегам, “мендан кетгунча, эгасига етгунча” қабилида иш олиб борувчи баъзи бир мутасаддиларни хушёрликка чорлаши шубҳасиз.

Депутатлар томонидан жойлардаги мансабдор шахсларнинг ҳисоботи ёки ахбороти эшитувини ташкил қилиш депутатлик назоратининг алоҳида шакллари билан бири ҳисобланади. Очиғини айтиш керак, яқин-яқингача депутатлик эшитувларига кўпгина ташкилот раҳбарлари умуман келмас ёки ташкилотдан бирор вакил юбориб, номигагина ҳисобот беришарди.

Кейинги пайтларда аксар ҳудудларда бу каби лоқайдликка айнан депутатларнинг талабчанлиги билан чек қўйилаётгани кузатиляпти. Маҳаллий кенгашларда фаолият олиб бораётган депутатлик гуруҳи аъзолари жойлардаги нуфузли ташкилот раҳбарларининг ҳам ҳисоботини жиддий эшитишга киришганини қутлаш керак.

Халқ депутатлари Шароф Рашидов туман кенгашидаги 25 ўриндан 12 таси O'zLiDeP депутатлик гуруҳига тегишли. Маслақдошларимиз туманда нафақат сон жиҳатдан, балки ваколатлари доирасида сайловчилар ишончини оқлашга қаратилган саъй-ҳаракатлари билан ҳам етакчи.

Халқ ноиблари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 январдаги “Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси бўйича жорий йилнинг биринчи чораги давомида амалга оширилган ишлар юзасидан туман солиқ инспекцияси бошлиғи Муҳаммади Турсунмуродовнинг ҳисоботини эшитдилар.

Мутасадди ўз ҳисоботида таъкидлаб ўтганидек, жорий йилнинг биринчи чораги давомида туман давлат бюджети даромадлари учун белгиланган прогноз кўрсаткич ошиғи билан, яъни 106,3 фоизга бажарилган.

Мисол учун, ҳисобот даврида якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган қатъий ставкадаги даромад солиғи, жисмоний шахслар учун ер ва мол-мулк солиғи, юридик шахслар учун ер ва мол-мулк солиғи бўйича прогноз кўрсаткичлар ортиғи билан бажарилиши таъминланган.

Солиқ ходимларининг маҳаллабай ишлаш тизимидаги натижалари ҳам салмоқли. Ҳисобот даврида жами 749 миллион сўмдан ортиқ қўшимча манбалар аниқланган. Бўш турган 67 та объект ишга туширилиб, 191 та иш ўрни яратилиб, вақтинча молиявий қийинчиликка дуч келган 95 та тадбиркорлик субъектининг фаолияти тикланди, ноқонуний фаолият кўрсатаётган 158 таси янгидан рўйхатдан ўтказилган. “Маҳалла еттилиги” билан биргаликда 6 349 нафар жисмоний шахс ўзини ўзи банд қилувчи сифатида рўйхатдан ўтказилган. Солиқ раҳбари маҳаллабай ишлаш тизимидаги натижаларнинг салмоқли бўлишида маҳаллий кенгаш депутатларининг алоҳида ўрни борлигини, улар билан узвий ҳамкорлик йўлга қўйилганини таъкидлаб ўтди. Яна бир диққатга сазовор жиҳати, ундирилган солиқлардан 752 миллион сўмдан ортиқ маблағ маҳалла фуқаролар йиғинлари бюджетига қолиши таъминланган. Бу эса маҳаллаларда янги лойиҳаларни амалга оширишда қўл қелиши табиий.

Афсуски, солиқ тўловларининг ўз вақтида амалга оширилиши кундалик ҳаётимизнинг янада фаровон бўлишида, ойлик, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилишида нақадар ўрни катталигини англамаган солиқ тўловчилар ҳам учраб турибди. Бугунги кунда жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиғидан, якка тартибдаги тадбиркорларнинг қатъий белгиланган даромад солиғидан салмоқли солиқ қарздорлиги мавжуд.

Йиғилиш давомида депутатлар мутасаддига қўллаб-қувватлаш билан мурожаат қилишди. Жойларда сайловчилар, электрот вакиллари билан учрашувлар чоғида айтилган мурожаатларни етказдилар.

Асосийси, солиқчилар ва тадбиркорлар билан доимий мулоқотларни йўлга қўйиш, вақтинча қийинчиликка дуч келган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва маҳаллабай ишлаш тизимидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаб олиш юзасидан қарор қабул қилинди.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
“XXI asr” мухбири



БИЛАСИЗМИ?

Инсоният тарихига назар ташласангиз, солиқчилик тизими нақадар қадимий соҳа эканлигини англаб етасиз. Хусусан, Ўрта Осиё минтақасида кечган мураккаб ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, этномаданий жараёнлар, ҳудудларнинг табиий иқлим шароитлари ўлкамизда турли солиқ турларининг шаклланишига туртки бўлган. Бунга, айниқса, минтақамизда қадимдан аграр муносабатларнинг устуворлиги, қўл меҳнати ҳамда сунъий сўғоришга асосланган қишлоқ хўжалиги ривожига каби хусусиятлар таъсир кўрсатган.

АЛПОМИШ ҲАМ СОЛИҚ ТЎЛАГАН...МИ?!

Қизиқ томони, шу пайтгача Марказий Осиё, хусусан, ўзбек солиқчилик тарихи ўрганилганда фақат турли қўлғэмалар, тарихий асарларга таянган. Оқибатда халқ оғзаки ижоди ва ўзбек халқ дostonлари бу борадаги илмий изланишлардан бир қадар четда қолган.

“Алпомиш”, “Кунтуғмиш”, “Рустамхон” ва “Гўрўгли” каби ўзбек дostonлари ўзида солиқчиликка доир қандай муҳим факторларни жамлаган? Бу борада баҳоли қудрат маълумот беришга ҳаракат қиламиз.

Фикримизнинг дебочасини, ўзбекларнинг ягона халқ сифатида шаклланиш тарихидан ҳикоя қилувчи “Алпомиш” дostonидан бошласак, ушбу дostonдаги воқеаларнинг бурилиш нуқтаси Бойбўрининг укаси Бойсарига закот талабини қўйиши билан бошланади.

Эслатма! “Закот” сўзи луғатда “поклик” ва “ўсиш” маъноларини билдиради. Закот дастлаб араблар томонидан босиб олинган ҳудудларда аҳолидан ундирилган диний солиқ сифатида шаклланган, кейинчалик чорва моллари, ҳунармандчилик буюмлари ишлаб чиқарувчи усталар, савдогарлар ҳамда бошқа тоифадаги мулкдорлардан ҳам ундирилган.

Ислom динининг беш асосий фарзларидан бири, мол-мулк ва даромаддан бериладиган садақа, хайр-эхсон, солиқ ҳам шундай аталган. Ислom анъаналарига кўра, мусулмон бўлган киши, маълум бойликка эришган, ўз даромадининг қирқдан бир улушини закот қилиб берган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа концерни томонидан 1998 йилда китоб ҳолида нашр этилган Фозил Йўлдош ўғли талқинидаги “Алпомиш” дostonида закот солиғи ҳақида қуйидагича келтирилади:

“Кунлардан бир кун Ҳакимбек (Алпомиш) китоб ўқиб ўтириб, бахилдан, сахийдан гап чиқиб қолди. Бойбўрибий шунда ўғли Алпомишдан: – Киши нимадан бахил бўлади, нимадан сахий бўлади? – деб сўради. Унга ўғли туриб айтди: – ...Кишининг моли закотга етса, закот берса, бул ҳам сахий экан. Агар закот бермаса, бул ҳам бахил экан. Бу сўзни Бойбўрибий Ҳакимбекдан эшитиб, фикр қилиб: “Мен ўн олти уруғ Қўнғирот элининг ҳам бойи бўлсам, ҳам шойи бўлсам, мен кимга закот бераман. Менинг давлатимда ёлғиз иним Бойсарига бахилликка чиқиб кетмасин”, деб, ўз кўнглида: “Бойсарийбий укам менга закот берса керак экан”, деб ўйлади. Уйлаб: – Бойсарига боринглар, Бойсарига ўзи розичилиги билан бир чичқоқ улоқни закот деб, менга берсин, закот ўрнига ўтар-да, Бойсарига бахил бўлиб, бахилликка чиқиб кетмасин, – деб ўн тўрт маҳрамани буюрди.

...Биз акангдан келган закотчи бўламиз, бугун бизлар сенинг молингни закот қиламиз. “Закот қилинглар, берса, закотини олиб келинглар”, деб юборган”, – деди. Бу сўзни маҳрамлардан Бойсарига эшитиб, кўнглига оғир олиб айтди: – Эй, бизнинг молимиз шу вақтгача закот бўлмаган, энди акамиз ўғилли киши бўлиб, дарров бизнинг молимизни закот қиладиган бўлибди-да!


Закот деган гапни эшитиб, бу гап ботиб кетиб, олдидаги ўзининг одамларига буюрди: – Ушла, баччагарларни, – деди. Бойбаччалар маҳрамларни битта-битта ушлаб қолди. Еттовининг қорнига қозиқ қочиқ ўлдирди. У еттовининг қулоқ, бурини кесиқ, ўзларига егизиб, отига чаппа мингизиб, отнинг устига тортиб бойлаб: “Мана буни закот деб айтди”, – деб Қўнғирот тарафига қараб хайдаб юборди. ...Бойсарийбийга закот деган гап ниҳоятда ўтиб кетган экан: – Энди бизнинг ўз элимизда сизинди бўлиб, ўз акамизга ўзимиз закот бериб (юрадиган бўлсак), бул элда бизнинг турғилигимиз қолмади, – деб ўн минг уйли Қўнғирот элини олиб Чилбир чўлига қараб йўл олади...”

Энди дostonдан келтирилган парчага эътибор қаратамиз. Мусулмончиликда закотни отасига, бобосига ва ундан юқори боболарига, шунингдек, боласига, набирасига ва эр хотинига бериб бўлмайди.

“Алпомиш”да эса... ака ўз укасидан закот сўрамоқда. (Закот талаб этиш ҳам одоб-ахлоқ қоидаларига зид.) Диний манбаларга қаралса, акага ука ёки аксинча, закот берилиши тўғри. Лекин бу жараёнда бир нозик жиҳат кўздан қочирилган. Яъни закот берувчи хур-озод, ақли-хуши жойида, балоғатга етган, мусулмон қачонки закот бериш миқдоридаги мулкка қомил эга бўлса ва шу мулк унинг қўлида бир йил турса, закот бериш унга вожиб бўлиши ҳақида айтилган. Бу жараёнда масаланинг яна бир томони борки, бой кишининг “закот” олиши ҳам ҳа-

лол эмас. Яъни уканинг акаси бойлигини билиб туриб закот бериши ҳам, буни била туриб уни қабул қилиши ҳам ҳалол “закот” ҳисобланмайди. Бу ўринда закот мискин, бечора ва фақирларга берилиши савобли амалдир. Демак, бу жараёнда ака ва уканинг ҳам тутган йўлини тўғри деб бўлмайди.

Лекин биз учун дostonдаги ибратли жиҳат шуки, ўз акасига закот беришдан қочиб Қалмоқ юртига йўл олган халқнинг бошидан турли қийинчиликлар ўтади. Ҳатто баъзи манбаларда ер сўраб борганларни қалмоқлар етти йил, баъзи манбаларда уч йил солиқдан озод этганлиги келтирилса-да, бошқаларида ҳар йили ҳар ўтовдан 100 тадан қўй бож тўлаш шарти қўйилгани келтирилади.



Бироқ масалага дунёвий жиҳатдан қаралганда давлат ва унинг функциялари тақомиллашиб бориши асосида ҳукмрон ташкилотнинг ўз фуқаролари олдида қўядиган қатор тартиблари, қонун-қоидалари, мезонлари ҳам ўзгариб борган.

Солиқлар тизимининг вужудга келиши ҳам ана шундай тартиб мезонларнинг пайдо бўлиши билан узвий боғлиқ ҳодисадир. Агар ўтмишга назар ташласак, тарихий манбалар, илмий адабиётлар таҳлилидан шуни англаш мумкинки, инсоният тарихидаги барча давлатларда солиқлар тизими йўлга қўйилган ҳамда тўловни амалга ошириш ҳамма учун мажбурий характер касб этган.

Зеро, давлатнинг у ёки бу тарзда молиявий ҳолати ҳамда ривожланиши, авваламбор, давлат хазинасининг аҳоли, аҳолидан йиғиб олинган солиқ турлари, миқдори ва салмоғига боғлиқ бўлган. Шу орқали давлатлар ўз мавқеини ҳам ҳарбий, ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий тарафлама мустаҳкамлаган.

Арабларнинг Ўрта Осиёдаги юришларида солиқ ва молия тизими дастлаб талончилик асосида амалга оширилган. Талончилик сиёсати, айниқса, араб босқинчилигининг иккинчи даврида, яъни 707–715 йилларда Қўтайба даврида кучаяди. Хусусан, Қўтайбанинг тавсиясига биноан Самарқанд ҳукмдори 2.200.000 дирҳам тўлаш мажбуриятини олади.

Халифалик даврида солиқ тизимининг қарор топиши ва ривожланиши йирик мутафаккир, қонуншунос Абу Юсуф Ёқуб ибн Иброҳим ал Ансорий (731–798) асарларида етарли даражада кенг ёритиб берилган. Бизгача унинг “Китоб ал-хирож” асари етиб келган. Дастлабки кезларда, юқорида айтиб ўтилганидек, давлат хазинасини тўлдирувчи асосий ва ҳар томонлама қулай манба закот бўлган. Кейинчалик закот ўрнини садақа эгаллаб, бу йўлим ночор кишиларга бериладиган ёрдамга айлантирилган. Шундан сўнг солиққа тортиш тизими икки гуруҳга: ушр ва хирож ерларга бўлинган.

Шу ўринда закот солиғи нафақат “Алпомиш” дostonига, балки бошқа дostonларга ҳам кирганлигини қайд этиш зарур. Жумладан, “Кунтуғмиш” дostonида қуйидаги мисралар учрайди:

“Подшолар бошига қўяр тожини,
Элдан олар закотиман божини,
Хона Ҳасанди беш юз тилла пулим бор,
Сенга айтай арз бўлганим важини”.

Таъкидлаш жоизки, бошқа дostonларда ҳам пул, тўлов, бож каби кўплаб жумлалар учрайди. Ўз-ўзидан англашиладики, солиқ ҳозир ҳам, тарихда ҳам муҳим фактор ҳисобланган. Шу боис давлат солиқчилик тарихини ўрганувчилар учун маъмур мавзу очилмаган бир қўриқдир. Ўзбек халқ дostonларини янада кенгроқ ва чуқурроқ ўрганиш орқали халқимизнинг қадимги турмуш тарзи, савдо ва солиқ муносабатларидаги очилмаган қирраларини кашф этиш мумкин.

Абдулла ЧИМИРЗАЕВ тайёрлади.

ОЙНА

ЗАМОН ЎЗГАРГАН, ОДАМЛАР ЭСА...

ТАНИҚЛИ ЖУРНАЛИСТ, “ШУҲРАТ” МЕДАЛИ СОҲИБИ, “XAVAR.UZ” АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ПОРТАЛИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ БЎЛИМ МУҲАРРИРИ БАРНО СУЛТОНОВА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚДАГИ ШАХСИЙ САҲИФАСИДА АҲЁН-АҲЁНДА ТЕША ТЕГМАГАН ФИКРЛАРИ, АККАС ҲАМКАСБЛАРИМИЗ ЮРАК ЮТИБ АЙТОЛМАЁТГАН (ЁЗОЛМАЁТГАН ҲАМ) БАҲАСТАЛАБ МУЛОҲАЗАЛАРИ, АЛАМЛИ ҚАРАШЛАРИ БИЛАН КЎПЧИЛИКНИНГ ЭЪТИБОРИГА ТУШГАН. БУГУН БУНДАЙ ҚАРАШЛАРГА ЭГА ИЖОДҚОРЛАР АНҚОНИНГ УРУГИГА АЙЛАНЯПТИ, ДЕСАК МУБОЛАҒА БЎЛМАС. ЎЗИГА ХОС ЎТКИР ҚАЛАМИ ВА СЎЗИГА ЭГА БЎЛМИШ ҚАЛАМКАШНИНГ БУГУН ЭЪТИБОРИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛИНАЁТГАН КУЗАТУВЛАРИ АСЛИДА ҲАММАМИЗИНГ ДАРДИМИЗ, ҚУВОНЧИМИЗ, ТАШВИШИМИЗ ЭМАСМИ?

...кўпчилик ўтмиш ҳақида ўйлаганда, ундоқ яшардик, бундоқ кун кечирардик, одамлар меҳр-оқибатли эди... ҳозиргидай лоқайд, бешътибор, шафқатсиз эмас эди, дейди. Балки замон, давр ўзгарган бўлса-да, одамлар ҳалиям ўзгармагандир, бу балки ўтмишни идеаллаштириш оқибатидир. Одамлардан меҳр-оқибат кўтарилиб кетди, дейди яна бирови. Хўш, айтинг менга, қанақасига кўтарилиб кетади? Бу улуғ туйғулар юрагимизда, ёнимизда “яшапти”, ҳеч ёққа кетгани йўқ, фақат...

Ота-онам мисолида айтиб берайми сизга? Улар бизнинг ёшимизда ҳозиргидек қариндош уруғи, синфдош-курсдошлари билан борди-келди қилолмаган. Телефон чиқиб, одамлар бир-биридан узоклашиб кетди, дейди яна кимдир. Аксинча, ҳозир телефон орқали ҳамма топишати-ку! Телеграмм гуруҳларни кузатсангиз, ҳайрон қоласиз: дугоналар, қўшниллар, қариндошлар, синфдошлар, курсдошлар, сптудошлар, “ҳаждош”лар, “умрачи”лар, божалар, овсинлар, аравакашлар, дамасчи (камазчи)лар, гапчилар ва ҳоказо, минг битта гуруҳ бор, тўғрими? Аввал шунақалар бўлганми, ё ҳеч хаёлингизга келганми? Наридорса, ҳар қандай яқин қариндошлар ҳам бир йилда бир марта меҳмонга боргандир ё тўй-томоша, маросимларда кўришгандир. Ҳозир эса кунора гап-гаштак, чойхона, самовар, тағин нолишади...

Ишонинг, отам ҳатто синфдошларини эспломасди, расмий бўлмаган, онам бўлса баъзи синфдошларини қирқ-эллик йил бўлди кўрмагайми, деб юрарди...

Кейинги йилларда, кўрпасизки, байрам-хайитларда уч-беш кунлаб дам олинапти. Пойтахтда яшаб қолганлар катта-кичик йўлу трассаларда бир неча қақиримлик тирбандлик ҳосил қилиб йўлга отланаяпти. Кетишам азоб, келиш эса унданам баттар. Сабаби, ҳаммада машина бор...

Бир замонлар йўл азоби – гўр азоби бўлгани учун ҳам дийдор ораси жуда узок бўлган. Бир пайтлар ундоқ яшаганмиз, бундоқ яшаганмиз, деёлмайман негадир. Тўғри, болагимда дунёни энди таниётганим учунми, ҳамма нараса менга мўъжизадек туюлар, аммо ота-онамнинг кўзи билан қарасам, биз мактаб эслайдиган ўтмишдаги даврдан кўра ҳозир яхши кунларим кўпроқ-да барибир.

Гап меҳр-оқибат ҳақида эмас, балки ўтмиш ўзимизча идеаллаштириб, бугунги бетакрор лаҳзаларни унутиб қўймасликда... Ўша даврларда тотиган таъмини тополмайман, деб шуниям ўтмиш билан боғлаймиз. Яқинда бир тадқиқотни ўқиб қолдим, яъни болагикда таъмиҳид билишимиз ҳам ўзгача бўларкан. Кейин-кейин эса организм, вужуд, қалб ўзгарishi ҳисобига биз ўша таъмини тополмагандек бўлиб юрарканмиз.

Сизни билмадим, лекин мен ўтмишни кўпам мактамай қўйганимга анча бўлди...

СЕРИАЛЛАР ЭРТАККА ЎХШАЙДИ

Нега ўзбек сериаллари ва киноларининг деярли 99 фоизиди оила аъзолари бир-бири билан



келишмайди, гапи гапига қовушмайди, катталар кичикларни доим силтаб ташлайди, буйруқ оҳангига гапирари, бақиради-чаққиради, оддий гапниям жеркиб тушунтиради. Мен бу билан сериалларимизни қораламоқчи эмасман, шунчаки одамларимиз сиртдан бир бирига кулиб, яхши гапиргани билан... наҳот, оилада шу даражада қўпол оҳангга гаплашармикан, деб ўйлаб қоламан.

Масалан, оддийгина “ўчир овозингни” деганга ўхшаш гаплар биз учун оддий ҳолими, айтинг-чи! Ёки турли кўринишдаги хатти-ҳаракат (“мимика”)ю “жест”ларимиз, ҳатто энсамиз қотиши ҳам жуда қўполдай, бирорта шундай кадрларсиз асарлар йўғ-а...

Ёки оталар доимо ўшқириб гапирари, оналар эса “Ҳа, бўл тез, ҳа, нима дееейсаан” деб қичқиради, кап-катта ўғли, қизига менсиманган оҳангга гаплашади. ТВ даги бу оҳанглар, бу қўполликлар бизни тарбияляяптими ёки аслида оилаларда шундай муҳит ҳукмронми, ахир кино ўша миллатнинг ҳаёти дейишади...

ЭРТАГА ҚАРИСАМ...

...Бир онахон метрога тушиб, икки зина масофа қолганида поезд ўлгур юриб кетди. Кекса аёл унга кўлидаги хужжатини серма, тўхта ишорасини қилди. Вагонлар кетворгач, ҳалиги кампир важоҳат билан машинистни қарғаб қўйди. Ёнма-ён кейинги поездни кутиб ўтирганимизда мениям қўшилармикан, деб ўйлади, шекилли, овозини баландлатиб, “Ўлиб қоладими-а бирпасгина кутиб турса, кексалигимни ҳурмат қилса бўлмайдими, тўхтамади-я, тўхтамади лаънати”, дея ўзига ўзи гапиринди.

Мен миқ этмадим. Лекин айтгим келди: хой, онахон, бу ҳайдовчи энди сизни қария экан, деб баҳайбат поездни тўхтатиб туролмайди-ку, қатнов жадвали бор, бу йўл устидаги автобусмидики, сизни кутса... деёлмадим, кексалигини кўриб! Ё менга қараб, нима, ўзинг эртага қаримайсанми, деб юбормасин, деган бўлсам керак. Ёки сенам менинг

ёшимга етволгин, дейди дедимми, хуллас, бир нарсани аниқ биламан: мен насиб этса, қарисам кексалигим учун автобус-ку майли, ҳатто поезд ҳам мени кутишга мажбур, деган қарашдаги худбин кампир бўлмайман. Менинг нурунийлигим, қарилигим ҳар қандай қонун-қоидадан устун эмас, деб ўйлайман...

СИЗ ҚАНДАЙ ҚЎШНИСИЗ?

Биласизми, мен учун яхши қўшничилик қандай бўлиши керак? Нималарга амал қиламан: ҳовлимда бақир-чақир қилмаслик, баланд овозда мусиқа қўймаслик, ҳиди чиқмаслиги учун тор жойда на сугир, на товук боқиш...

Кўп қаватли уйда яшаганимизда болаларимга улар мабодо тўполон қилишса, пастдаги яшаётганлар қандай озорланаётганини ролга кириб кўрсатиб берганимдан энди ҳатто уларнинг исмини овоз чиқариб айтолмайман, ойиҳон ҳамма билди отимизни, секинроқ қақиринг ё шундоқ гудок ташланг, дейишарди. Оиламиз устун-ку нимадандир жаҳли чиқгудек бўлса, қошлари ўртага ўйилиб, лаблари қимирлаётганидан... сўкинаётганини билиш мумкин эди!

Мен учун яна яхши қўшничилик нима, айтийинми?

Бош-адоғсиз давом этаётган ғурбатларга чидаш. Яна бир ҳамсо-ьямизнинг йил ўн икки ой “рўза тутиб” бетиним мўнграйдиган сигиридан ҳеч кимга шикоят қилмаслик. Яна бировининг хўроз сахармардонда қичқиради, деган қоидага, “принцип”га тупириб қўйиб, тундан тунгача хириллаб қичқирадиган хўрозини сўйиб ташлашни хаёлга келтирмаслик, жаз ёки рок, хип-хоп эшитаётгандек мазаза қилиш (ахир ҳайвонсеварман-ку) ё бўлмасам ҳар замон дарвозамиз тагига аравага қўшилган отларнинг ташлаб кетган гўнгини маломат қилмай, бунда-ям бир ҳикмат бордир, ҳарна ўғит бўлади, деб бир парча томорқамга сочвориш...

Сиз-чи, сиз қандай қўшнисиз, айтинг!?

Барно СУЛТОНОВА

ХАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

...Баҳодир Йўлдошев, Римма Аҳмедова, Дилором Каримова, Мурод Муҳаммад Дўст каби миллиятимиз ойдинлари билан суҳбатлар, санъат ва адабиёт ҳақидаги мақолалар, эсселар... “Янги аср авлоди” нашриётида chop этилган “Заминга сиғмаган орзулар” (Иқбол Қўшшаева) китобини қисқагина қилиб “уйғунлик жозибаси” деб таърифлаш мумкин. Муаллиф ҳайрат ва теранликни, туйғу ва илмни бир нуқтага жамлаб, етилган хулосаларининггина ўқувчи эътиборига ҳавола этади, ёзганларида гоҳ адабиётшунос, гоҳ санъатшунос, гоҳ журналист сифатида гавдаланади.

Хуршид Дўстмуҳаммад эътироф этганидек, “Иқбол Қўшшаеванинг бадиалари хос кайфият билан ўқишни талаб қилади китобхондан. Кайфият бадиаларнинг номланишиданоқ бошланади – ўйчан, маҳзун, ўзгалардан ўзгача. Шиддатли мушоҳадаларга, баҳсга чорловчи илмоқларга, асарларининг игнаси янглиг жазиллатадиган чекинишларга-да ўзларини ҳозирламоқликлари даркор Иқбол Қўшшаеванинг ўқувчилари.

Ўзимни мароқли мулоҳазалар юритишдан тўхтатай-да, гапнинг индаллосига кўчай: гўзаллик оламга ошuftа, ҳаёт ҳақиқатларини нозик дид, нозиктаъб ила англашни ўзи учун саодат деб билган азизлар, Сиз орзу қилган латиф, рангин, ҳис-ҳаяжонларга тўлиб-тошган китоб муборак бўлсин. Ишонинг, ундаги барча битиклар айнан Сизларга бағишланган. Ўқинг, кам бўлмасиз”.

Китобдаги ҳар суҳбат бир кашфиёт – суҳбат-дошиниғ номаълум олами ўқувчига очиб берилади, қаҳрамон ҳам қалбидаги ўз англамлари заргарона юзага чиқарилганини кўради. Ушбу тўпламдан ўрин олган ажойиб суҳбатлардан бири, ўзбекнинг чўнг режиссёри Баҳодир Йўлдошев билан “Ҳамзанинг бадалли” гурунгини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Атоқли санъаткор Баҳодир Йўлдошев Ҳамза Ҳа-кимзода Ниёзий дунёсига бир неча бор саёҳат қилган режиссёр. “Бой ила хизматчи” спектакли сўнгги бор шу инсон талқинида саҳна юзини кўрди ва хайрлашди. “Паранжи сирлари” – ўзидан кўнгли тўлмас режиссёр-нинг ноёб бешталигига кирган шоҳ асар. “Майсаранинг иши” эса Баҳодир Йўлдошевнинг арзандаси, ҳамон тур-ли талқинларда ашаб келяпти. Шу боис узоқ йилларга чўзилган дилхуфтон сукунатни бузишга бу ижодкорнинг маънан ҳаққи бор деб ўйлайман...

– Ҳамза Ҳақимзода Ниёзийнинг ижодий ва инсоний қисмати ҳақида ўйлаганда, Самиул Маршакнинг мисраси ёдга тушади: “Мана сенга ажр, қачонлардир урф бўлганинг учун!”

– Бунақа “урф” бўлиш ҳам, бу шон-шухратга ба-дал тўлаш ҳам унинг ўзига эмас, сиёсатга керак бўл-ди. Ҳолбуки, шоир ижодининг қандай қилиб бузилгани, “Яша, Турон” “Яша, Шўро”га айланиб қолгани аллақа-чон исботланганди.

Ҳамзанинг шоиру ёзувчилиги ҳақида адабиётшунос-лар гапиргани маъқул. Мен шоирнинг ўзи билан ишлаган актёрлардан у репетицияларга қандай қатнагани ҳақи-да эшитганман. Холида Хўжаева ва Шариф Қаюмовнинг ҳикоясида Ҳамза буткул бошқача одам бўлиб гавдала-нарди. Китоблардаги Ҳамзага ўхшамасди. У ижтимоий-лашган қизил арбоб бўлиб гавдаланмасди. Хуллас, эшит-ганларим ва кузатувларим асосида гапирадиган бўлсам, у, аввало, театр кишиси бўлган деган фикрга келаман. Театр туйфайли ёзувчиликка эҳтиёж сезган. Шоир, ёзув-чи, мусиқачи Ҳамзадан драматург Ҳамза баланд туради. У ўзбек театрининг шаклини жуда яхши билган. Бугун Ҳақимзода орзу қилган ўзбекона шакл бузилган. Асл ўз-бек театри – давра театри. Давра театрида томошабин спектакль иштирокчиси вазифасини ўтайди. Яъни воқеа-га аралашини, муносабатини билдиришни мумкин бўлади. Ҳамза доғли буюсанбилар ё йўқ, бу – Шекспир театри. Шекспир театрида ҳам бош қаҳрамон томошабин. Улар Ҳамлетни “ҳимоя қилиш” ҳуқуқига эга.

Ҳамза Ҳақимзода Вахтангов мактабини битириб келган Маннон Уйғур билан Етим Бобожоновнинг кўп репетициясида қатнашган. Шоир буларнинг суҳбатини эшитиб, театр нималигини тушунган. Холида опа “Ним қоронғи залда узоқдан эски дўппи кўриниб турарди, шундан билардик Ҳамза келганини”, деб эсларди. Кеч-гача ўтираркан.

– Бир неча йиллар олдин эълон қилинган суҳбатингизда бугунги ўзбек театрини Ҳамза қутқариб келяпти дегансиз.

– Ҳалиям шу фикрдаман. Бизда Ҳамза билан бўйла-ша оладиган драматург йўқ. Унинг ҳар бир пьесасидан тилни, воқеаларни бир-бирига қандай боғлашни ўрга-ниш мумкин. Одатда пьесалар ўқилади ёки кўрилади. Ҳамзани ҳам ўқийсиз, ҳам кўрасиз. Юморлари жуда нозик, аскиялар меъёридан ўтмаган. Масалан, яллачи Мастура сатанг қариб қуйилмаган эшоннинг аҳволини гапиряпти: “Эшонимиз “Витр вожиб”ни ўргатганлари ўргатган. Хабарлари йўқки, бир уйда биттасига бир ки-ши “Витр вожиб” билан овора, тўртта уйда тўрттасига “ўтир вожиб” бўлиб қилади”.

Шоир ўлганидан кейин Маннон Уйғурдан “Ҳам-за олдингизга кўп келарди, мабодо пьесалари сизда эмасми?” деб сўрашади. “Чердакни кўринглар, бир ту-гун олиб келувди, мен ўша ёққа ташлаб қўйгандим”, дей-ди у. Шу билан “Бой ила хизматчи”, “Паранжи сирлари” ва “Майсаранинг иши” топилган. Агар ўшанда ахтариб келишмаса, умуман йўқ бўлиб кетарди. Бироқ бу пьеса-лар бизда нотўғри талқин этилган. Ҳамза кўнжимая қо-липларга қарши ижодкор. Бой деганда семиз, баджаҳл башара деб тушунилади. Ҳамза “Бой ила хизматчи”да ёзадики, Солиҳбой эллика кирган, навқирон йигитдай одам. Қиличдек ўктам, новча. Ғофирни барваста, барно йигит деб ўйлаймиз. Йўқ, уни чўтир, паст бўйли деб ёза-ди. Агар кўркам йигит бўлса, Жамила нега ундан кета олмаслиги табиий ҳол. Ҳайратланарли жойи йўқ. Лекин асл вариантда Жамила камбағал, хунук эрини хушсурат бойга алишмайди! Ғофир ҳам камбағал, ҳам чўтир, ҳам паст бўйли одам. Демак, бу ерда муҳаббат бор. Квази-мода каби Ғофирнинг кўнгли гўзал.

Ҳозир одам савдоси деб фоҳишалар ҳаётидан бўлар-бўлмас пьесаларни ёзишади. Ҳамза буни аллақа-чон ёзиб қўйган. “Паранжи сирлари” классик ва ҳамиша актуал асар. Қиз болани товар деб билиш, унинг ўғир-ланиши ва исловотхонага тушиши бутун драмаси билан кўрсатилган. Яллачи Мастура сатанг олдида тўқима “мамароза”лар ҳеч нарсас эмас. Мастура “Бўлди, мен ишимни ташлайман, Маккага бораман”, деса, эри кула-ди: “Шу ҳаром пуллар билан Маккага бормоқчимисан?” деб.

“Майсаранинг иши”ни ҳам бузишган. Ҳидоятхонни баччавоз қилиб қўйганмиз. Баччавоз бўлса, Ойхоннинг ортидан югурадимми? Аслида у кишим ниҳоятда нозик таъб, шоиртабиатлар. Бу образга драматург фақат ку-лимсираб қарайди. Шу дастак бўлган.

“Бой ила хизматчи”да бойнинг уч хотини бор. Пош-шоойим 27 ёшда. Хонзода 24, Гулбаҳор 18 да. Энди бой 16 ёшлига уйланмоқчи. Хотинларнинг шунақа ёш бўла ту-риб, нега яна ёш қизга кўз олайтирасан, бу аёлларинг-га нисбатан виждонсизлик-ку. Бироқ бизнинг саҳнада Пошшоойимни 50 ёшли актриса, Хонзодани 40 ёшли ак-триса ўйнаб келган. Шунинг учун ҳам Ғофир: “Бой ота, аввал уйдагиларнинг ҳисобини қилинг”, дейди. Домла-нинг Ғофирга айтган гапини эшитинг: “Сен бадбахтнинг бахтинг шундаки, бойнинг назари хотинингга тушибди”.

Қаранг-а, “бахтинг шундаки”! Бунақа диалогни бошқа драматургга учратмайсиз.

Комил Яшин ишлаган “Бой ила хизматчи”нинг тикланган вариантда Ғофир: “Қози домла, хотиним-нинг инон-ихтиёри ўзида. Бойга тегмоқчи экан, тегаве-ради. Мендан нима истайсиз?” дейди. Ахир қанақасига? Ўзбек йигити шундай дейиши мумкинми? Нима эмиш, хотин ҳам инсон, ўз тақдирини ўзи ҳал қилади. Бу аёл учун ҳақорат-ку. Ҳамзада бу гап умуман йўқ. “Бой ила хизматчи”ни қўяётганимда менинг маслаҳатчим Ман-нон Уйғур билан ишлаган Саъдихон Табибуллаев эди. Шу инсон мени “бузилган Ҳамза”дан иҳоталаб турган. Драматургнинг ўзи ҳам Солиҳбой ролини уйнаган экан. Уни рус драматургияси билан таништириб, драматург сифатида шаклланишида рафиқаси актриса Мария Куз-нецованинг ҳиссаси катта.

– Сиз қўйган “Паранжи сирлари”да Римма Аҳмедова ижросидаги яллачи Мастуранинг руҳий талқини Лутфихоним Саримсоқованинг шўх-шаддод Мастурасидан буткул фарқ қилади...

– Улар спектаклни “Шарқнинг бахтсиз аёллари” ғояси устига қўйишган. Мен Ҳамзанинг ўзига таян-ганман. Ҳамзанинг ўзини ўқисангиз, ҳузур қиласиз. “Паранжи сирлари” парча-парчалардан иборат бўл-ган. Буни ҳам ҳукмрон мафкура истагига бўйсунди-риб, қайта ясашган. Илгари ўзимизда ҳам ўғирланган қизлар японларнинг гейшасидек тарбияланган. Улар шеър ўқиган, дутор чалган, рақсга тушган. Қизнинг номи сир тутилган. Масалан, Тўлахон Холисхонга ай-ланади. У жойга дуч келган одам боравермаган. По-эзияни тушунган, куйни тушунган одамлар борган. Бойваччалар дам олиб кетишган. Ҳамза бунақа жой-ларни жуда яхши биларди. Бу пьесада оналар тақди-ри, сатанглар тақдири, қизлар тақдири бутун аянчи билан акс этган.

Мастуранинг аёл боши билан қандай қўйларга ту-шишини кўрасиз. Мастура “Қора бўлган бу юзларимни байтуллога суркамай ўлсам, рўзи қиёматда қандай бош кўтараман?” дейди ва дўппи текиб, пул тўплайди. Ма-стура ўзининг кимлигини билган аёл. У шунчаки қўшма-чи хотин эмас. Мазкур пьесадаги Норбойвачча бузук хотинбоз эмас, хусн шайдоси. Пичоқ шайдоси бор, от шайдоси бор, шеърят шайдоси бор. У хусн шайдоси. Аёл гўзаллиги нималигини билган эркак! Бу дардибало хилқатни юқори макомда кўради. “Опа, қирқ кунлик шо-лопоямни бераман. Фақат қўлидан бир пиёла чой ичсам бас”, дейди. Ўша қизни олиб беринг демаяпти, қўлидан бир пиёла чой ичсам бас, деяпти. Хусн шайдосида жу-нун ёмон кечади, уни тўхтатиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам “Томоғимдан кўзёшдан бошқа нарсас ўтмайди”, деб арзи ҳол қилади.

Ҳақи Ҳамзанинг драматургиядаги сир-синаотига етиб борулганимиз йўқ. Фақат соцреализм қаричидан чиқа олмай, оқ калтагу кўк калтак қилиб ётибмиз. Эн-ди қисматида шу кўргиликлар бор экан, Шекспириники-га ўхшаб унинг руҳи ҳам кўп сарсон бўлди (Шекспир-га ҳам қилинмаган тухмату бўҳтон қолмади: бу ҳақда

қанча-қанча китоб чиқиб, пьесалар ёзилган, фильмлар олинган).

– Ўйлаб туриб, қазои қадар адолатига ҳайрон қоласан. Шоирни ўзлигидан мосуво этган “шунос-шунос”лару замонасоз ижодкорларнинг узоқ умргузаронлик қилишганида, сиёсий эврилишларнинг гувоҳи бўлишганида ҳикмат кўраман. Шунинг ўзи ҳам юнон трагедиялари билан бўйлаша оладиган шекспирона драма эмасмикан?

– Ҳамзашунослар кўргилиги алоҳида фожиа. Ада-биёт аҳли инсофли одам бўлиши керак. Давр деб бир ёзувчининг умрига завоқ бўлмаслик керак. Қўй, ёзма, бюртмани бажарма, унвонингни олма. Бу касаллик фақат ҳамзашуносликка ёки шўро давригагина тегишли иллат эмас. Ҳамзашунослар кўргилиги – илоҳий ҳақиқат, самовий сабоқ. Худо замонасозлик оқибатини, нима қи-либ қўйганингни ўз кўзинг билан кўр, деб уларга узоқ умр берган. Бу жазо эди. Сени бир вақтлар қилган “хиз-мат”инг учун Ҳамза неларга дучор бўлганини кўргин, де-ган. Мен даврни эмас, давр лаббайғўйларини айблайман.

Агарда ҳамзашунос бўлсам, шоир номи дарсликлар-дан ўчирилиши, ҳайкаллари қулатилиши, асарлари театр репертуарларидан олиб ташланишига, бузилган пьеса-лари ва шеърлари қандай фош этилишига гувоҳ бўлиш юрагимни суғуриб олгандек оғриқли кечарди. Ахир бу-тун бир умринг ўтган-а! Мен барибир ич-ичимдан ишо-нардим, мафкурабозлар ҳар қанча чиранмасин, Ҳамза номини ўзбек маданияти тарихидан ўчира олишмасди! Ҳамзаники оёқости қилдик, ўзбек театри шу даражага тушди. Биз нонкўрликка бордик. У театрдан ҳатто ўз но-мини ҳам олиб кетди, бу жой менга муносиб эмас, деб.

Ислом маданияти марҳумлар ҳақида эҳтиёт бўлиб гапириш керак, деб бежиз уқтирмайди. Чунки руҳлар тинч қўймайди. Лекин Ҳамзага аҳоқона ҳукм ўқушган маҳалда ҳам барибир “Майсаранинг иши”га мурожаат этдим. “Дийдор” театр-студияси тингловчиларига дра-матург Ҳамзани таништиришдан чекинмадим. Бехуда гапларга эътибор қилмадим, шукрки, менга ҳам эти-ти-бор қилишмади.

Бир ўйлаб кўринг-а, ҳар қанча тайёргарликларга қарамай, 2014 йили театрининг юз йиллик юбилейи нега бу қадр рангсиз, муваффақиятсиз ўтди? Чунки Ҳамза Ҳақимзода Ниёзийга жуда катта адолатсизлик қилин-ганди. Президентнинг табригига ҳаммамнинг номи бор, фақат у зот эсланмади. Ўзбек театри Ҳамзасиз юзга ки-ра оларканми?! Бу театр етмиш йил давомида мавсумни “Бой ила хизматчи” асари билан очди. Маннон Уйғурни Маннон Уйғур қилган, Етим Бобожонни Етим Бобожон қилган, Обид Жалиловни Обид Жалил қилган Ҳамза-нинг пьесалари-ку! Абдор Ҳидоятлов, Шукр Бурҳон, Со-ра Эшонтураева, Холида Хўжаеваларнинг биография-сини бойитиб турган ҳам шу Ҳамза! Биргина у зотнинг унутулиши, қаранг, театр тарихидаги қанча улуғларнинг умрини кул қиладёди!

2018 йил

МУАССИС: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Тахрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Мавлуда ХЎЖАЕВА

Сирожиiddин САЙИИД
Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ

Нодир ЖУМАЕВ
Мадина БАРОТОВА
Шухрат АСЛОНОВ

Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz
xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:

қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил
14 июнда 0009-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ,
Буюртма рақами: Г – 545
Адади: 5670
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 21:10

Тахририятга келган кўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер
марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Фаррух ЖАБОРОВ